



Ислом Нури

Аллоҳ сизу бизни муваффақ қилсин, билингки, закотга доир аҳкомлар ва унинг шартлари тафсилотини ўрганиш, закот кимнинг зиммасига фарз, уни олишга ким ҳақдор, қандай турдаги молдан чиқариш фарз эканини билиб олиш зарурдир.

Куръон ва Суннат далолатига кўра, закот Исломнинг рукнларидан ва улкан биноларидан саналади. Аллоҳ таоло Қуръоннинг 82 ўрнида уни намоз

билингига зикр қилган. Бу ҳам унинг нақадар аҳамиятли ибодат эканига

ва у билан намоз ўртасида нақадар улкан алоқа ва мустаҳкам боғлиқлик

борлигига далил бўлади. Ҳатто, бу умматнинг сиддиқи ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифалари Абу Бакр розияллоҳу анху:

«Аллоҳга қасамки, намоз билан законинг ўртасини ажратган кишиларга қарши албатта жанг қиласман», деганлар (Бухорий (1399) ва Муслим (20) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Аллоҳ таоло айтади: «Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг» (Бақара: 43).

«Агар тавба қилсалар ва намозни тўқис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз! (Яъни улар билан урушишни бас қилингиз)» (Тавба: 5).



Ислом Нури

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ислом беш (асос) устига қурилган: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни

адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш» (Бухорий (8) ва Муслим (16) Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилганлар).

Мусулмонлар законинг фарзлигига ва унинг Исломнинг учинчи руқни

эканига, унинг фарзлигини инкор қилган кишининг кофир бўлишига ва уни

беришдан бош тортган кишиларга қарши уруш қилинишига иттифоқ қилганлар.

У ҳижратнинг иккинчи йилида фарз қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни йифиб ва қабул қилиб олиб, ҳақдорларга етказишга

масъул бўлган кишиларни атроф ўлкаларга юбордилар. Хулафои рошидийннинг

суннати ҳам шунга жорий бўлди, мусулмонлар шунга амал қилиб келдилар.

Закотда халқларга яхшилик бордир. У молнинг тозаланишига ва балою

оғатлардан сакланишига сабабdir, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога бандаликни

бажо келтиришdir. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб

тозалайдиган садақа сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо



Ислом Нури

қилинг.

Албатта, сизнинг дуоингиз улар учун ором-осойишталик бўлур. Аллоҳ эшитувчи, билувчидир» (Тавба: 103). Бинобарин, у нафсларни баҳиллик ва ҳасисликдан поклаш, бой-бадавлат кишини ўзига суюмли бўлган

молидан бир қисмини чиқариб бериш билан Аллоҳга қурбат ҳосил қила

олишини имтиҳон қилиб кўришdir.

Аллоҳ таоло законни униб-ўсиш ва кўпайишни қабул қиласиган молларда,

жумладан, чорва моллари ва экин-тикин каби ўзи ўсиб, кўпаядиган нарсаларда, шунингдек, тасарруф билан ҳамда тижорат воситасида айланиб

кўпаядиган тилла, кумуш ва тижорат моллари каби нарсаларда вожиб қилди.

Закон микдорини у чиқариладиган молдаги инсоннинг меҳнатига қараб

белгилади.

Чунончи, рикоз (кон, соҳиби аниқ бўлмаган топиб олинган хазина)нинг

бешдан бирини (20%);

Бир томонлама меҳнат сарф бўлган, яъни суғориш иншоотларисиз суғорилган ҳосилнинг ўндан бирини (10%);

Икки томонлама меҳнат билан суғорилган ҳосилнинг йигирмадан бирини

(5%);

Пул ва тижорат моллари каби соф меҳнат билан даромад келадиган молларнинг қирқдан бирини (2,5%) закот сифатида чиқаришни фарз қилди.

Аллоҳ таоло ушбу садақани закот (тозалов) деб номлади, чунки у нафсни ҳам, молни ҳам тозалайди, у молни камайтирадиган ва мол эгасига

зиён етказадиган жарима ёки солиқ эмас. Балки, аксинча, закот одамлар

ўзлари сезмаган ҳолларида моллари қўпайишига сабаб бўлади.

Расууллоҳ,

соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Садақа билан мол камаймайди», деганлар (Термизий (2325), Аҳмад (4/231, №18031) Абу Кабша

розияллоҳу

анҳудан ривоят қилганлар).

Шариатда закот хос тоифанинг хос моли учун хос вактда фарзdir.

Яъни,

бу чорва моллари, пул ва тижорат молларида тўла бир йил айланиши, дон-дун ва ҳосилда доннинг қотиши ва ҳосилнинг пишиб этилиш вақти кириши, асалда унинг ҳосил бўлиш пайти келиши, кон ва хазиналарда уларнинг чиқариб олиниши, фитр закотида ийд оқшоми кун ботишидир.

Закот мусулмон кишининг зиммасига қўйидаги бешта шарт

топилганда

фарз бўлади:



- 1) Эркинлик. У қулга фарз эмас, чунки қулнинг шахсий моли бўлмайди, унинг қўлидаги нарса хожасиники саналади, закоти ҳам хожасининг зиммасида бўлади.
- 2) Молнинг соҳиби мусулмон бўлиши. Кофирга закот фарз эмас, ундан закот талаб қилинмайди. Чунки, закот дегани ибодат ва Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдир. Кофир эса ибодат ва қурбат ахлидан эмас. Ибодат ниятга муҳтож, кофирдан бу нарсани кутилмайди. Аммо, хитоб (закотга бўлган бўйруқ) унга ҳам тегишли ва охиратда бунинг учун унга алоҳида азоб бўлади, деган маънода фарз бўлиши масаласи ҳақида уламолар ўртасида хилоф бор. Муоз розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилганки: «Уларни «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ» деб гувоҳлик беришга чақиринг, агар бунда сизга итоат қилсалар Аллоҳ таоло уларга бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилганини айтинг, агар бунда ҳам итоат қилсалар Аллоҳ уларга бойларидан олиниб, камбағалларига бериладиган садақа (закот)ни фарз қилганини айтинг» (Муттафақун алайҳ). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисларида закот фарз бўлиши учун мусулмонликни шарт қилдилар.
- 3) Нисобга эга бўлиш. Нисобга етмаган молга закот



Ислом Нури

фарз бўлмайди. Нисоб - молдан маълум микдор бўлиб, унинг тафсилоти келади. Нисоб эгаси катта бўлсин, кичик бўлсин, оқил бўлсин, мажнун бўлсин, фарқсиз, унга закот фарз бўлади. Чунки, далиллар умумий келган.

4) Мулкка эгадорлик қарор топиши. Яъни, мулкда бирорнинг ҳаққи қолмаслиги. Эгадорлик аниқ бўлмаган молга закот берилмайди. Бунинг мисоли, ўзини озод қилиш учун хожаси билан муайян молга келишган мукотаб қулнинг берадиган пули. Бу пул хожа учун муқаррар мол эмас. Чунки қул ўзининг тўловдан ожиз эканини эълон қилиши ва пулни адo этишдан бош тортиши мумкин.

5) Мол қўлга келганидан сўнг бир йил ўтиши. Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда айтилган: «Молда то йил айланмагунича закот йўқдир» (Ибн Можа (1792) ривояти, Термизий ҳам шу маънода (631) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган). Бу - ердан чиққан ҳосил ва дон-дундан бошқа нарсаларга ҳосдир. Аммо, ердан чиққан нарсаларнинг закоти ўша ҳосил вужудга келиши билан фарз бўлади, бунда йил айланиши эътибор қилинмайди. Йил ўтиши факат пул, чорва ҳайвонлари ва тижорат молларида мол эгасига енгиллик қилиниб, молда ўсиш ва кўпайиш камолига етиб олиши учун шарт қилинган.

Чорва ҳайвонларининг туғилиб кўпайган болаларидан ва тижоратдан келган фойдадан закот бериш учун алоҳида йил ўтиши шарт қилинмайди.

Балки, ҳайвонларнинг асли ва тижорат молининг дастмояси нисобга етганидан сўнг йил айланган бўлса, закот фарз бўлиши учун шу кифоя.

Бирорда ҳаққи бор одам агар қарздори камбағал одам бўлса, саҳих қавлга кўра, ўша қарзини қайтариб олганидан кейин бир йил учун закот беради.

Агар қарздори бадавлат ва қарзини ўташга қодир бўлса, молнинг эгаси ҳар йили учун закот беради.

Фойдаланиш ва ишлатиш учун олиб қўйилган молларга, масалан, ҳовли жой, кийим-кечак, уй жиҳозлари, автоуловлар, миниш ва фойдаланиш учун боқилаётган ҳайвонларга закот фарз бўлмайди.

Ижарага бериб қўйилган автоуловлар, дўконлар, уйлар учун закот йўқ, факат улардан келган ижара ҳақлари нисобга етса ва йил айланса, ўшалардан закот берилади. Бунда ҳар бир ижарага берилган нарсадан келган пул алоҳида хисоб қилинмайди, балки ҳаммасини қўшиб, бир хисоб қилинади.

Зиммасида закот фарз бўлган одам закотини чиқармай туриб вафот этса,



Ислом Нури

унинг қолдирган меросидан закоти чиқарилади, ўлими сабабли закоти соқит

бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг қарзи (яъни, ҳаққи) ўтаб қўйилишга ҳақлироқ», деганлар (Бухорий (1953) ва Муслим (1184) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Демак, вориси ва ёки бошқа бирор маййитнинг меросидан закот

чиқаради, чунки закот фарз бўлган ҳақдир, у маййитнинг зиммасидан соқит

бўлмай туради.